# Сержило тафаккур дурдоналаридан*

**АРТУР ШОПЕНГАУЭР – НЕМИС ФАЙЛАСУФИ. 1788–1860 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:**

● *Фалсафа ҳозиргача муваффақиятсизликка, асосан, шунинг учун учрадики, уни санъат эмас, балки, илм йўлида изладилар. Фалсафанинг илм эмас, балки, санъат эканлигини файласуф ҳеч қачон унутмаслиги лозим.*

● *Агар ўлим бўлмаганида, одамларнинг фалсафа билан шуғулланишлари даргумон бўлур эди.*

● *Нарсаларнинг шундоққина, яна онгимиздан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда, мавжуд, деб ўйлаш – чиндан ҳам бемаънилик.*

● ***«Нима учун»**ни ҳамма илмларнинг онаси, деб аташ мумкин.*

● *Файласуф «нима учун»нинг изидан қувмаслиги керак. Унинг томонидан англанган «нарса ўзида» асос солиш қонунидан ва, демакки, ҳар қандай қонуниятдан ташқаридадир. Барча файласуфларнинг хатоси шунда бўлдики, улар фалсафани илм ҳисоблаб, уни, асос солиш қонунига таяниб, изладилар.*

● *Менинг бутун фалсафамни битта иборада ифодалаш мумкин, бу – ироданинг ўзини ўзи билиши.*

● *Бамисоли ошқозон ҳазм қилганидай, жигар ўт, буйраклар – сийдик, testiculi – уруғ ажратганларидай, мия ҳам, шунингдек, тасаввурлар чиқаради. Шундай қилиб, борки ақл-заковат, барча тасаввурлар, бутун тафаккур катта миянинг физиологик вазифасидир.*

● *Агар ақл-заковат йўқ қилинса ёки мияни бош суягидан олиб ташланса, жамики олам йўқ қилинган бўларди. Мен сиздан илтимос қиламан, ўйламангки, бу – ҳазил: мен мутлақо жиддий гапираётибман, зеро, дунё бизнинг (барча ҳайвонларнинг ҳам) тасаввурларимиз сифатида яшайди ва бундан ташқарида дунё йўқ.*

● *Ажабланиш эмас, тушуна олмаслик ва қайғу фалсафа ибтидосининг моҳиятидир.*

● *Ҳар қандай чеклаш бахтга кўмаклашади.*

● *Агар кимнидир ёлғончилигига гумон қилсанг – унга ишонаётгандай бўлиб кўрин: шунда у хунукроқ алдайди ва тутилади. Агар унинг сўзларида, у уни беркитишни хоҳлаган ҳақиқат сал сезилиб қолса, – ишонмаётгандай бўлиб кўрин: у ҳақиқатнинг қолган қисмини ҳам айтади.*

● *Ҳар ким аслида ўзи нима бўлса, ёлғизликда ўзида шуни кўради.*

● *Ҳақиқий дўстлик – уларнинг тўқиб чиқарилганликлари ёки қаердадир яшашлари номаълум, баҳайбат денгиз аждарҳолари каби, нарсалардан бири.*

● *Кексайганингда, ёшликнинг бутун кучини эскирмайдиган асарларда мужассамлаштиришга муваффақ бўлинганини англашдан яхшироқ, таскин берадиган нарса йўқ.*

● *Ҳаёт, ёшлик нуқтаи назаридан, бениҳоя узоқ давом этадиган келажак; кексалик нуқтаи назаридан – жуда қисқа ўтмиш.*

● *Ҳар бир одам бошқа одам тимсолида ўз шахсий нуқсонларини аниқ кўра оладиган кўзгуга эга. Бироқ, у, кўпинча, кўзгуда ўзини эмас, балки, бошқа итни кўраётибман, деб ўйлаб, унга қараб, вовуллаётган итнинг ишини қилади.*

● *Кимгадир унинг ҳаётлигида ҳайкал қўйиш – авлодларнинг уни унутиб юбормасликларига умид йўқ, деб эълон қилишни билдиради.*

● *Ўз жонига суиқасд қилувчи шунинг учун ҳам яшамай қўядики, у хоҳламай қўя олмайди.*

● *Қувноқ хулқ – бизнинг бахтимизга ҳаммасидан бевоситароқ кўмак берадиган шахсий сифатлардан.*

● *Одамда* **бори,** *шубҳасиз, одамнинг* **ихтиёридагидан** *муҳимроқ.*

● *Уйланиш, бу – ўз ҳуқуқларингни ярмига камайтириш ва бурчларингни икки маротабага кўпайтириш демак.*

● *Ақлингни, сўзлашлардагига қараганда, сукутда намоён қилган яхшироқ.*

● *Давлат, бу – «тумшуқбоғ».*

● *Қандайдир сифатни жазавалантириш, унинг билан мақтанчоқлик қилиш, бу – ўз-ўзингга унга эга эмаслигинг ҳақида эътирофинг.*

● *Улкан ва ёрқин сифатлар ато қилинган одамлар ўзларининг камчиликлари ва ожизликларига иқрор бўлишдан ёки уларни бошқалар олдида намоён этишдан унчалик уялмайдилар.*

● *Мутолаа қилмоқ – ўзиники ўрнига, бегона калла билан фикрлаш демак.*

● *Бизнинг дунёмиз – эҳтимолий дунёлардан энг ёмонидир.*

● *Камгаплик энг қатъий тарзда ва бениҳоя турли-туман асослар ёрдамида ҳаётий донишмандликнинг барча мураббийлари томонидан тавсия қилинган. Фақат иккита-учта айниқса яхши ва кўпчилик билмайдиган ҳикматли араб ибораларини қўшаман: «Душманинг билмаслиги лозим нарсани дўстингга ҳам айтма»; «Агар сиримни яширсам, у менинг асирим; агар уни ошкор этсам, мен унинг асириман»; «Сукунат дарахтида унинг меваси – тинчлик ўсади».*

● *Ҳеч кимнинг фикрига қарши чиқма, ёдда тут, агар биз, кимнидир, у ишонадиган бемаъниликлардан қайтармоқни истаганимизда, Мафусаил ёшигача (қарийб минг йил) яшасак ҳам, буни ниҳоясига ета олмасдик.*

● *Дунёдаги ўз йўлингни босиб ўтиш учун ўзинг билан эҳтиёткорлик ва бағрикенгликнинг катта заҳирасини олиш фойдали; биринчиси бизни зарар ва йўқотишлардан сақлайди, иккинчиси эса – баҳслар ва жанжаллардан.*

● *Кўплар ҳақида энг ақлли ўйлайди: «Уни, барибир, ўзгартира олмайман, шунинг учун ундан фойдаланишга ҳаракат қиламан».*

● *Мусибатларнинг, уларни биргаликда бошдан кечирганларида, енгилроқ ўтиши маълум; одамлар буларга, афтидан, зерикишни ҳам қўшадилар, – мана нима учун улар биргаликда зерикиш учун мажлисларни ташкил қиладилар.*

● *Худди бизнинг танамиз кийим-бош билан ёпилганидай, шунингдек, бизнинг руҳимиз ёлғон билан ўралган. Бизнинг сўзларимиз, хатти-ҳаракатларимиз, бутун бизнинг вужудимиз ёлғон билан суғорилган, ва ушбу пўстлоқ орқалигина, баъзан, бамисоли, кийим-бош, айрим ҳолларда, тана шаклини сезиш имконини берганидай, бизнинг ҳақиқий фикр тарзимизни пайқаш мумкин.*

***(Давоми келгуси сонда.)***

**Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрдаги сонидан бошлаб берилмоқда.**


# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

## АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**2003 йил 30 январь, 6,13,20,27 февраль кунлари соат 11.00 да республика биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объектлар қўйилади:**

1. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган 68-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (68-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси – 42126 АҚШ доллари.**

2. Хоразм вилояти, Хазорасп туманида жойлашган «Саримай» автокемпинги.

**Бошланғич баҳоси – 764733 АҚШ доллари**

3. Наманган вилояти, Норин тумани, «Наманган-Андижон» трассасида жойлашган 44-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (44-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси – 20000 АҚШ доллари.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг!**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

**Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.**
**Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com**


По решению Хоз. суда г.Ташкента ООО «Илман Хизмат», чф «Фам сервис» и ООО «Биком» признаны банкротами.

Претензии принимаются в течение месяца со дня опубликования объявления по адресу. г.Ташкент. ул. Нукус, 23А, ГНИ Мирабадский р-н, каб-602. Тел. 55-38-64.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Аслиддин Болиевга волидаи муҳтарамаси
**Зулайҳо БОЛИЕВА**нинг
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

● ФУТБОЛ

## Ким ғолиб бўларкин?



*Москвада ўн биринчи маротаба ўтказилаётган анъанавий МДҲ мамлакатлари чемпионлари кубоги баҳслари қизғин паллага кирди. Мусобақада «Пахтакор»(Тошкент) жамоаси ярим финалга йўлланма олганлигидан хабарингиз бор.*

*Чорак финалда Эстониянинг «Флора»(Таллин) жамоасига қарши тўп сурган пахтакорчилар турнирдаги энг йирик ғалабасини қўлга киритди – 3:0. «Пахтакор»га Украинанинг «Борисфен» жамоасидан таклиф этилган Александр Крохмаль учрашувнинг биринчи бўлимида икки тўп киритган бўлса, танаффусдан сўнг Сервер Жепаров ҳисобни йириклаштирди.*

*Мусобақанинг 1/4 финалидаги қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Локомотив» (Россия) – БАТЭ(Белоруссия) – 3:1, «Шериф»(Молдова) – «ФБК Каунас»(Литва) – 3:0, «Сконто»(Латвия) – «Торпедо»(Грузия) – 2:0.*

*Кеча ярим финал баҳсида «Пахтакор» жамоаси «Сконто» билан куч синашди. Учрашувнинг асосий вақтида 2:2 ҳисоби қайд этилди. Фақат пенальтилар сериясида омад латвиялик футболчиларга кулиб боқди – 1:3. Ярим финалнинг иккинчи учрашуви «Локомотив» ва «Шериф» жамоалари ўртасида ўтказилди.*

## Жаҳон чемпионати Японияга кўчириладими?

*Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси шу кунларда мураббий Виктор Борисов раҳбарлигида жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда. Ёшларимиз куни кеча Бирлашган Араб Амирликларида илк ўқув-машғулотларини ўтказиб қайтишди.*

*Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси машғулотлар давомида учта ўртоқлик учрашуви ўтказди. Дастлаб футболчиларимиз Мюнхеннинг «Бавария» жамоасига 1:4 ҳисобида имкониятни бой беришди. Сўнгра, улар Россиянинг тажрибали «Ростсельмаш» футбол клубига икки ўйинда ютқазиб қўйди – 0:4, 0:1.*

*Мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси айни кунларда ўқув йиғинларини Тошкентда давом эттиришмоқда. Ўзбекистон Футбол федерацияси жаҳон чемпионати бошлангунга қадар ёшларимизнинг яна Европа мамлакатларидан бирида тайёргарлик машғулотларини ташкил этишни режалаштирган.*

*Хабарингиз бўлса, жаҳон чемпионати 25 март – 19 апрель куни БААда ўтиши керак эди. Аммо, ФИФА АҚШ ва Ироқ ўртасидаги ҳозирги қалтис вазият туфайли Форс кўрфазида яқин тўрт-беш ой ичида халқаро мусобақалар ўтказишга чўчиб турибди. Шу боис, 2003 йилги ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини Бирлашган Араб Амирликларида эмас, балки Японияда уюштириш хусусида бош қотирмоқда.*

*Таклифга Кунчиқар юрт вакиллари рози. Фақат масалага 29 январда ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига қуръа ташлаш маросими чоғида ойдинлик киритилади.*

**Эркин ХОЛБОБО**

● ИНТЕР-СПОРТ

## Финалда Уильямслар

*Бугун теннис бўйича Австралия очиқ чемпионатида якунловчи учрашувлар бўлади. Финалда америкалик опа-сингиллар – Винус ва Серена Уильямслар учрашадиган бўлишди. Қизларнинг каттаси финалга чиқиши учун бельгиялик Жюстин Эненни 6:3, 6:3 ҳисобида ютган бўлса, синглиси эса бельгиялик иккинчи теннисчи Ким Клийстерсни 4:6, 6:3, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Серена Уильямс ҳозир жаҳоннинг энг кучли теннисчиларидан бири эканини таъкидлаш жоиз. Йигитлар ўртасидаги финал баҳслари эса эртага ўтказилади. Якка баҳсларда америкалик Андре Агассининг майдонга тушиши кутилмоқда. Чунки у Жанубий африкалик Уэйн Феррейрни ярим финал учрашувида 6:2, 6:2, 6:3 ҳисобида енгишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, Агассининг финалда ватандоши Энди Роддик ёки олмон теннисчиси Райнер Шуттлер билан баҳслашиши мўлжалланмоқда.*


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали Сизларни 2003 йил 28 февраль ва 7,14,28 март кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларига таклиф қилади.**

Савдоларда Тошкент шаҳар хокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасининг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Охунбобоев кўчаси, 34-уйда жойлашган Қисқа муддатли автомобиль тўхташ жойлари хизматининг асосий воситалари ва айланма активларининг 75 фоиз улуши сотилади.

**Бошланғич нархи – 9 789 660 сўм ёки 13 060 АҚШ доллари.**

Шунингдек, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдирадиган, Тошкент шаҳар Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64 м. ва Г-38 м. кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг бошланғич нархи 640 000 сўм, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчасида жойлашган, ҳар бирининг бошланғич нархи 1 008 000 сўм, сатҳи 0,04 га. ва бошланғич нархи 504 000 сўм, сатҳи 0,02 га. бўлган, ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи сотилади.

**Савдоларда қатнашиш учун аризалар савдодан бир соат аввал, ер майдонларига эса уч кун олдин тўхтатилади. Савдолар соат 10.00 да бошланади.**

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16 «А».**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.**




## «ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 105-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

**1 Тур**
32
10
46
65
23
89
26
Сони: 2
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
10229848.2
40101417.3
**2 Тур**
27
4
34
48
56
70
5
24
50
53
64
6
86
11
69
59
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
60166263.3
**3 Тур**
41
31
66
3
74
61
79
40
85
80
49
25
60
15
Сони: 3
Сумма: 2666666
Чипталар рақами
10125374.1
60023874.3
80094896.3
**4 Тур**
16
9
30
82
33
52
55
54
88
76
1
20
43
35
63
22
29
28
21
58
37
84
90
13
Сони: 2
Сумма: 4000000
Чипталар рақами
40143872.3
80109184.1
**5 Тур**
68
71
Сони: 10
Сумма: 10000
**6 Тур**
75
17
Сони: 5
Сумма: 5000
**7 Тур**
42
Сони: 3
Сумма: 3000
**8 Тур**
38
Сони: 5
Сумма: 2000
**9 Тур**
87
Сони: 6
Сумма: 1500
**10 Тур**
73
Сони: 17
Сумма: 1200
**11 Тур**
2
Сони: 17
Сумма: 1000
**12 Тур**
45
Сони: 25
Сумма: 900
**13 Тур**
18
Сони: 64
Сумма: 800
**14 Тур**
19
Сони: 98
Сумма: 700
**15 Тур**
67
Сони: 175
Сумма: 600
**16 Тур**
12
Сони: 247
Сумма: 500
**17 Тур**
81
Сони: 336
Сумма: 400
**18 Тур**
44
Сони: 569
Сумма: 300
**19 Тур**
51
Сони: 891
Сумма: 200
**20 Тур**
57
Сони: 1269
Сумма: 100
**21 Тур**
14
Сони: 1989
Сумма: 100
**22 Тур**
72
Сони: 4010
Сумма: 100
**23 Тур**
36
Сони: 5825
Сумма: 100
**24 Тур**
78
Сони: 8967
Сумма: 100
**25 Тур**
62
Сони: 12426
Сумма: 100
**Қўшимча тур**
Сони: 468
Сумма: 300
**Халтадан чиқмаган шарлар:**
**7, 8, 39, 47, 77, 83**

| Тўғри келганлар сони | Ютуқ сони | Сумма |
|---|---|---|
| 4 | 1 | 1000000 |
| 3 | 55 | 1000 |
| 2 | 1907 | 300 |
| 1 | 20236 | 100 |

**«Яхши Ният Лаҳзали» телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами (халтада қолган): 7, 8, 39, 47, 77, 83**


## "Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 7 февралдаги 107 янги йил тиражида ўйналадиган ютуқлар:



1 тур - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
2 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
3 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
4 тур - MATIZ автомобили
5 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
6 тур - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
Ва қўшимча пул ютуқлари




Баҳоси атиги 100 сўм

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.*



BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda – 25-16-16
Buxoroda – 222-10-92
Gulistonda – 25-03-80
Jizzaxda – 5-49-85
Navoiyda – 3-39-20
Namanganda – 6-43-43
Nukusda – 222-70-12
Samarqandda – 35-20-54
Toshkentda – 133-44-55
Urganchda – 226-51-35
Farg'onada – 26-43-62
Termizda – 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г – 066
15855 nusxada bosildi
Topshirish vaqti – 21.00.
Topshirildi – 21.50
1 2 3 4 5 6 .
SOTUVDA ERKIN NARXDA